



## МАМЛАКАТИМИЗДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ВА ТАҲЛИЛИ

*PhD, Файзуллоев Мирсаид Шухратович*  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мақолада солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган камерал солиқ текширувларининг услубий асосларини такомиллаштириш ва уларни самарадорлигини баҳолаш йўллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тадқиқот доирасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, молиявий назорат, солиқ текширувлари, камерал назорат, солиқ аудити, аудитнинг халқаро стандартлари, норматив таҳлил, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

## АНАЛИЗ И ПРАКТИКА ПРОВЕДЕНИЯ НАЛОГОВЫХ ПРОВЕРОК В НАШЕЙ СТРАНЕ

*PhD, Файзуллоев Мирсаид Шухратович*  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье проведено исследование путей совершенствования методологических основ налоговых проверок, проводимых налоговыми органами, и оценки их эффективности, в рамках исследования сформированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, финансовый контроль, налоговые проверки, камеральный контроль, налоговая проверка, международные стандарты аудита, нормативный анализ, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.

## ANALYSIS AND PRACTICE OF CONDUCTING TAX AUDITS IN OUR COUNTRY

*PhD, Faizulloev Mirsaid Shukhratovich*  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** In the article, research was conducted on ways to improve the methodological foundations of tax audits conducted by tax authorities and evaluate their effectiveness, and conclusions and proposals were formed within the framework of the research.

**Key words:** tax, budget policy, budget, tax administration, financial control, tax audits, chamber control, tax audit, international standards of audit, normative analysis, tax revenues, tax benefits, tax rate.

### Кириш.

Дунёнинг аксарият давлатларида давлат бюджетига белгиланган (режалаштирилган) солиқ тушумларининг бир маромда келиб тушишини таъминлаш, солиқ қарздорлигини муваффақиятли ундириш механизмига асосланган солиқ назоратини самарали ташкил этишга устуворлик бериб келинмоқда. Солиқ назоратининг асосий йўналишлари корхоналарнинг солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятига асосланган солиқ текширувларини ташкил этишнинг турли хил замонавий усуллари жорий этишга қаратилмоқдаки, бу жараён билан илмий-тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришга эҳтиёжлар ортиб бормоқда.

Жумладан, камерал назорати фаолияти бўйича амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда аудит бўйича етарли услубий таъминот мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур соҳа бўйича, солиқ текширувларининг услубий асослари қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари соҳанинг услубий таъминоти яратилганлигидан далолат беради.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Мирошник (2015) солиқ назоратига оид илмий тадқиқотларида солиқ назоратига муаллифлик таърифини беради: “солиқ назорати – бу ваколатли давлат органларининг хўжалик субъектлар томонидан солиқ ва ҳуқуқий тартибга солишнинг бажарилишига ҳуқуқий баҳо бериш, ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш, фуқароларнинг фискал манфаатларини бузувчи шахсларни жавобгарликка тортишда ифодаланган фаолияти” дир.

Кофлер, Кашириналар (2017) солиқ назоратини солиқ тизими фаолиятининг муҳим шартли солиқ текширувлари орқали амалга ошириладиган самарали механизм деб ҳисоблайди. Ушбу олимларнинг ёндошувида “солиқ текшируви солиқ органининг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши (ўтказилиши) устидан назорат ҳаракати, бу жараёнда солиқ назорати натижасида олинган ҳақиқий маълумотлар солиқ органларига тақдим этилган солиқ декларацияси маълумотлари билан таққосланадиган иқтисодий механизмдир”.

Шестакованинг (2018) илмий қарашлари бу борада анчайин ўз аҳамиятига эга. Ушбу олим солиқ назоратига таъриф бериб уни: “солиқ интизомига риоя этилишини текшириш, солиқ ҳуқуқбузарликларининг максимал сонини аниқлаш ва профилактика чораларини кўриш имконини берувчи техника ва усулларни ўз ичига олган солиқ қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг махсус, профили ҳаракатлари мажмуидир”.

Россиялик олимлар Филиппова ва Макевнина (2018) кенг маънода солиқ назоратини Россия Федерациясининг самарали молиявий сиёсати ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва давлатнинг қонуний талаблари ўртасидаги мувозанатга эришишга қаратилган давлат томонидан тартибга солиш чоралари тизимининг ажралмас қисми сифатида белгилайди.

Садчиков (2010) “солиқ текшируви солиқ назоратининг асосий шакли бўлиб, солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатли органларнинг процессуал ҳаракатлари мажмуидан иборат ва у текширилаётган шахсларнинг ҳисобот маълумотларини, солиқ органларининг қарорларини солиқ тўловчилар, йиғимлар тўловчилар ва солиқ агентларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати билан таққослаш йўли билан амалга оширилади” деб ҳисоблайди.

Солиқ аудитининг муҳимлигини Барсулая (2019) қуйидагича ифодалайди: ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солиқ аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда.

Бу тўғрида Аренс ва Лоббеклар (1995) қуйидагиларни ёзишган: “Солиқ тўловчиларни федерал солиқ қонунларига риоя қилишини, солиқ декларацияларни текшириш учун ҳуқуқат аудиторлар ёллайди. Солиқ қонунчилиги жуда мураккаб бўлиб, солиқларни текшириш бўйича аудитордан чуқур билимларга эга бўлишликни талаб этилади”.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (138-моддаси), шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” ги 1-сон қарори билан тасдиқланган (Кодекс, 2020) “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” да камерал солиқ текширувида “солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган” (Низом, 2021) солиқ назорати шакли сифатида келтириб ўтилган. Албатта солиқ текширишнинг бу турини ўтказишнинг муҳим шартлари мавжуд бўлиб, у албатта солиқ хизмати органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилиши, ушбу

бўйруқда текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, текширувни ўтказиш муддатлари, текширилаётган давр, текширилаётган солиқлар ва йиғимларнинг турлари, солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами, кўрсатилиши лозим бўлади.

Бизга маълумки, амалдаги тартибга мувофиқ, солиқ хизмати органлари томонидан камерал солиқ текширувлари “солиқ тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши ҳолатлари ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари солиқ органига тушганда, солиқ тўловчи томонидан олдин тақдим этилган солиқ ҳисоботида нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтирадиган ёки кўрилган зарар суммасини кўпайтирадиган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилганда, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафовутлар ёки хатолар аниқланганда, текширувдан олдинги таҳлил натижаларида аниқланган тафовутлар бўйича солиқ тўловчига солиқ органи томонидан юборилган хабарномага жавобан хабарнома олинган кундан эътиборан ўн кун муддатда солиқ тўловчи томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ёхуд асослантиришлар тақдим этилмаганда, солиқ хавфини бошқариш тизими асосида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилиши содир этилганлиги хавфи мавжудлигида” (Низом, 2021) ўтказилади.

## 1-жадвал

**2020-2022 йилларда сегментлаш асосида таҳлил ва унга асосланган  
ҳолда камерал солиқ текширувлари таҳлили<sup>70</sup>**

Корхоналар йиллар кесимида	Аниқланган тафовут суммаси (млн. сўм)	Жумладан:		Қайта ҳисобот топшириш суммаси (млн. сўм)	Кўшимча ҳисобланган сумма (млн. сўм)	Жами ундирилган суммаси (млн. сўм)	Мос ундирилган суммаси (млн. сўм)
		Кўшилган қиймат солиғи бўйича (млн. сўм)	Фойда				
<b>2020 йил</b>							
"ANDIJON NEFT BAZASI" MCHJ	4 882,9	4 882,9		0	4 882,9	4 882,9	4 882,9
"UZAUTO MOTORS" AJ	2 700,2	2 700,2		0	2 700,2	2 700,2	2 700,2
"O'ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI" AJ	8 129,1	8 129,1		0	8 129,1	8 129,1	8 129,1
"AMMOFOS-MAXAM" AJ	1 531,7	1 531,7		0	1 531,7	1 531,7	1 531,7
"SAMARQAND HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI" AJ	6 148,9	6 000,9	148,0	148,0	6 000,9	6 000,9	6 000,9
<b>2021 йил</b>							
"ANDIJON NEFT BAZASI" MCHJ	140,6	140,6		0	140,6	140,6	140,6
"UZAUTO MOTORS" AJ	480,2		480,2	0	480,2	480,2	480,2
"O'ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI" AJ	730,7	110,0	620,7	110,0	620,7	620,7	620,7
"AMMOFOS-MAXAM" AJ	360,5	360,5		0	360,5	360,5	360,5
"SAMARQAND HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI" AJ	1 980,5	1 980,5		0	1 980,5	1 980,5	1 980,5
<b>2022 йил</b>							
"ANDIJON NEFT BAZASI" MCHJ	160,3	160,3		0	160,3	160,3	160,3
"UZAUTO MOTORS" AJ	240,7	240,7		0	240,7	240,7	240,7
"O'ZBEKISTON METALLURGIYA KOMBINATI" AJ	553,7	553,7		0	553,7	553,7	553,7
"AMMOFOS-MAXAM" AJ	220,0		220,0	220,0		220,0	220,0

<sup>70</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

"SAMARQAND HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI" AJ	2 180,3	2 180,3		0	2 180,3	2 180,3	2 180,3
--	---------	---------	--	---	---------	---------	---------

Хусусан 1-жадвални таҳлил қилганимизда қуйдагиларни кўришимиз мумкин бўлади. Солиқ тўловчилар фаолиятини камерал солиқ текшируви бўйича 2020-2021-2022 йилларда сегментлаш асосида таҳлил ва унга асосланган ҳолда, камерал солиқ текширувлари таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, аниқланган тафовут суммаси 2020 йилда энг кўп натижа "O'zbekiston metallurgiya kombinati" AJда (8 129,1 млн. сўм) бўлган бўлса, 2021 йилда "Samarqand hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJда (1 980,5 млн.сўм), 2022 йилда эса, тафовут суммаси "Samarqand hududiy elektr tarmoqlari korxonasi" AJ да (2 180,3 млн.сўм) аниқланган. Агар, бу ҳолатни солиқ турлари бўйича қарайдиган бўлсак, аниқланган тафовут суммаларининг 90-95 фоизи қўшилган қиймат солиғи турида кузатилган бўлиб, бу суммаларнинг деярли барча қисми давлат бюджетига ундирилган, яъни солиқ хизмати органлари томонидан солиқ маъмурчилигининг тўғри йўлга қўйилиши оқибатида камерал солиқ текшируви натижаси бўйича ундирув ишлари самарали амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунга кўра, "тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин" (Қонун, 1998).

Бундан ташқари мазкур қонунда белгилаб қўйилганидек, "солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш" (Қонун, 1998) асосида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) қисқа ва назорат тартибда амалга оширилади. Қисқа муддатли текшириш бу назорат қилувчи органлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга оширадиган текшириш тартибда амалга оширилса, ўз навбатида назорат тартибда текшириш эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш ҳисобланади. Бундан ташқари, қонунчиликка кўра "хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади" (Қонун, 1998).

Қайд этиб ўтилган жараённинг амалий ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида қуйида келтириладиган 2-жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, 2018-2022 йилларда солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувлари натижалари таҳлилида солиқ текширувларида прокуратура ва тергов органлари томонидан қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ҳам солиқ текширувлар ўтказилган. Агар, қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан ўтказилган солиқ текширувларига қарайдиган бўлсак, унинг динамикасида таҳлил қилинаётган йилларда ўсиш бўлганлигини кўриш мумкин.

## 2-жадвал

2018-2022 йилларда солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувлари натижалари таҳлили<sup>71</sup>

(млрд. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 <sup>72</sup> йил
---	--------------	-------------	-------------	-------------	-------------	---------------------------

<sup>71</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.<sup>72</sup>2022 йил 9 ойлик маълумотлар.

1.	Ўтказилган солиқ текширувлари сони	6 998	5 356	12 423	33 337	17 066
<b>Шу жумладан:</b>						
	Солиқ органларининг ташаббусига асосан	0	0	0	139	233
	Кўзғатилган жиноят ишлари юзасидан	1 845	1 567	1 842	3 419	16 833
	Солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий тугатилиши муносабати билан	3 939	3 487	10 581	29 729	
2.	Кўшимча ҳисобланган солиқ суммаси	809,4	906,4	1 385,2	2 893,8	63,05
3.	Қўлланилган молиявий жарима суммаси	487,2	402,0	1 620,5	2 535,3	442,18
4.	Солиқ текширувлари бўйича ундирилган солиқ суммаси	236,6	178,6	137,5	687,0	331,59

**Солиқ хизмати органларида камерал солиқ текширувларини ўтказилиш жараёнларининг услубий асослари**



### 1-расм. Солиқ хизмати органларида камерал солиқ текширувларини ўтказилиш жараёнларининг услубий асослари<sup>73</sup>

Яъни, бу шаклдаги текшириш сони 2018 йилда 3 939 та бўлган бўлса, 2022 йилнинг тўққиз ойлиги натижаларига кўра эса, уларнинг сони 16 833 тани ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич 2021 йилга (3 419 тага) нисбатан қарийб, 5 баробарга ошган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, солиқ текширувларида солиқ органларининг ташаббуси билан бирга солиқ тўловчиларнинг фаолиятларида кўпол қонун бузилишларнинг содир бўлиши оқибатида тергов органларининг ташаббусли солиқ текширувларининг ортиши ташвишли ҳол ҳисобланади. Бизнингча, бу хулосалар солиқ тўловчиларда солиқ тўлаш маданияти ва яширин иқтисодий камайтиришга қаратилган иқтисодий механизмларни оширишни тақозо этади. Агар, биз энди солиқ хизмати органларида камерал солиқ текширувларини ўтказилиш жараёнларини услубий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, уни тизимли ва босқичли жиҳатдан қуйидаги қадамларда амалга оширилишини кўриш мумкин. Бундан ташқари, давлат солиқ хизмати органларида камерал солиқ текширувини ўтказиш жараёнида солиқ тўловчи юридик шахсларда ўтказилган хронометраж кўздан кечириш натижаси бўйича хронометраж ўтказиладиган даврда тушумларнинг ҳақиқий ҳажмларида, пул тушуми суммаларида, ишлаб чиқариш ҳажмларида, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳажмларида аниқланади.

Тафовутлар бўйича солиқларни ҳисоблаб чиқиши ва солиқ тўловчига тафовутларни бартараф этиш тўғрисидаги талабномани етказиши, агар белгиланган талаблар бажарилмаганда солиқ мониторингини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинишини таъминлайди ва солиқ тўловчини ёзма шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор этиши лозим бўлади.

Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи хронометраж кўздан кечириш натижаси билан берилган талабномага асосан қайта ҳисобот тақдим этилмаганда уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўриш учун ҳужжатларни тегишли тузилмага етказиб, солиқларни ундириш бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиши, солиқларни ундириш бўйича берилган аризасига асосан суднинг ҳал қилув қарорини шахсий карточкаларга солиқларни ҳисоблашга бериш учун тегишли тузилмага тақдим этиши зарур бўлади.

#### Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот иши доирасидаги таҳлилларга асосланиб, солиқ текширувларини амалга оширишда “Автокамерал” дастурини қўллаш асосида текширувдан олдинги таҳлилларнинг самарасини таъминлаш муаммосининг ечими билан боғлиқ, “Автокамерал” дастур орқали камерал солиқ текширувларидан олдин таҳлилни ўтказишда ҚҚС бўйича таклиф этилаётган мезонлар асосида таҳлил қилиш ҳамда “Ташқи манба” тизимида қўшимча маълумотларни олиш бўйича таклифлар камерал солиқ текширувларини ўтказишда ўз самарасини беради.

#### Адабиётлар/Литература/Reference:

Barsulaya T.D. (2019). *Налоговый аудит. Учебник: учебное пособие / Barsulaya T.D. — Moskva: Rusayns. -582 s. - ISBN 978-5-4365-3384-1. - URL: <https://book.ru/book/932100> (data obrazeniya: 14.12.2019).*

Daniel Ho, Peter Lau (2019). *Tax audit in Hong Kong// The International Tax Journal.21.12.2019.*  
Samuel Chan, Gerald Chau, Patrick Leung (2017) *Tax audit and investigation in China and Hong Kong// The International Tax Journal, February-January.*

<sup>73</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Normurzaev U. (2021). *Analiz effektivnosti nalogovyx lgot i preferensiy v podderjke opredelennyx sektorov s selyu dalneyshego povysheniya investitsionnoy privlekatelnosti v Uzbekistane- Ekonomika i obrazovanie* (6).

Normurzaev, U. (2021). *O'zbekistonda investitsion jozibadorlikni yanada yaxshilash maqsadida ayrim sohalarni qo'llab-quvvatlashda berilayotgan soliq imtiyoz va preferensiyalarining samaradorlik tahlili. Iqtisodiyot Va ta'lim*, (6), 82–86. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol\\_iss6/a285](https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285)

Аренс А., Лоббек Ж. (1995) *Audit*. – М.: Финансы и статистика. s.12-14. (Ahrens A., Lobbeck J. (1995) *Audit*. -M.: Finance and statistics. p.12-14.)

Кодекс (2020). *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси*. -Тошкент: Фафур Фулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.

Кофлер Л.И., Каширина Ю.П. (2017). *Налоговые проверки: виды, порядок проведения и оформления результатов*. Территория науки. № 1.

Қонун (1998). *“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни*. 1998 йил 24 декабрь, 717-I-сон.

Мирошник Светлана Валентиновна и др. (2015) *Актуальные вопросы правового обеспечения налогового контроля. Теория и практика общественного развития* (2015, № 19).

Низом (2021). *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”*

Низом (2021). *Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (138-моддаси), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”*.

Нормурзаев, (2021). У. *Анализ эффективности налоговых лгот и преференсий в поддержке определенных секторов с селю дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. Экономика и образование*,(6) (2021): 82-86.

Нормурзаев, У. (2021). *Способы использования эффективных методов путем предоставления налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика И Образование*, (3), 91–95. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/7191](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7191)

Нормурзаев, У. (2023). *Мамлакатимизда солиқ тизимида амалга оширилган ислохотлар таҳлили. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(4), 177–183. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss4-pp177-183>.

Садчиков Михаил Николаевич (2010). *Камеральные и выездные налоговые проверки как формы налогового контроля. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов*.

Файзуллоев М.Ш. (2023). *Солиқ назоратини амалга оширишда солиқ текширувларининг замонавий усулларида фойдаланиш истиқболлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати*. Б. 14-16.

Филиппова Н.А., Макевнина Д.Ю. (2018). *Налоговый контроль: специфика, роль, место и значение в системе государственного контроля // Экономика и предпринимательство*. - № 2. – С. 24-26.

Шестакова Н.Н. (2018). *Налоговые проверки в системе налогового контроля. Социально-экономический и гуманитарный журнал Красноярского ГАУ*. №1.